

# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



— 2022 йил—Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили —  
Ассалому алайкум, азиз мухитарий!

# ЎСТИҚВОЛ ҲО‘ЛИ

Ватан яғонадир,  
Ватан биттадир

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 26 май № 19 (8416)

## МАКТАБЛАРНИ БИТИРУВЧИ ЎГИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА

Қадрли мактаб битирувчилари!

Сизларни мактаб таълимини муваффақиятли тугатиб, мустақил ҳаётга – умрингизнинг янада гўзал ва масъулиятли босқичига қадам қўяётганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мамлакатимиздаги барча умумтаълим даргоҳларида “сўнги кўнғирок”лар янграб, қадрдон мактабингиз, меҳрибон устозларингиз билан хайрлашув тадбирлари ўтказилаётган ушбу қувончли ва гоёат ҳаяжонли дамларда ҳаммангизга келгуси ҳаётда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Умид ва ишонч рамзи бўлган етуклик шаҳодатномалари барчангизга муборак бўлсин!

Азиз болаларим!

Бу йил республикамизда 390 минг нафардан зиёд ўқувчи ёшлар умумтаълим мактабларини битирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, ўз билим ва истеъдодини Ватанимиз ва халқимизга муносиб фарзанд бўлишдек олижаноб мақсадларга сарфлашга чоғланиб турган сиздек тиришқоқ ва интилувчан фарзандларимиз – бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, Янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, бебаҳо хазинасидир.

Албатта, бугун юртимизда мактаб битирувчилари билан бирга уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийлар учун ҳам унутилмас кундир. Ушбу қувончли айёмда уларни ҳам чин дилдан қутлаб, барчасига эзгу тилақларимизни изхор этамиз.

Сўнги йилларда мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим тизими сифат жиҳатидан кескин ўзгарди. Айниқса, мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиб, бу борада туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда юртимизда 10 мингдан зиёд давлат умумтаълим мактаблари билан бирга кўплаб нодавлат, давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактаблар,

Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари фаолият юритаётгани ушбу тизимда қисқа муддатда чуқур таркибий ва сифат ўз-гаришлари юз берганини кўрсатади.

Биргина ўтган йилда 3,3 триллион сўм маблағ ҳисобидан 789 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз қўлга киритган медаллар сони 3 баробар, минтақавий олимпиадаларда эса қарийб 2 баробар кўпайгани, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 900 мингдан зиёд ўқувчи дастурлаш асосларини ўрганиб, сертификатга эга бўлгани барчамизни хурсанд қилади.

Бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган жонкуяр ўқитувчилар, устоз-мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш, жамиятдаги обрў-эътиборини оширишга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Тараққий топган давлатлар тажрибаси асосида мактаб таълими учун ўқув дастури ва дарсликлар янгиланмоқда. Айниқса, умумтаълим мактаблари учун 326 номда ўқув-методик мажмуалар, ўқитувчилар китоби ҳамда машқ дафтарлари яратилгани муҳим қадам бўлди.

Юртимиздаги барча мактаблар юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғига уланиб, локал тармоқ ҳамда Wi-Fi ускуналари ўрнатилди.

Шунингдек, ҳозирги нотинч замонда фарзандларимизни юксак маънавият эгалари, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Кенг кўламли маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда, ёшларимиз ўртасида китобхонликни кучайтириш, уларни адабиёт, санъат ва спорт тўғрисидаги янада фаол жалб этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Жараён



Мактабларни битирувчи ёшлар ҳар йили 25 май санасини ҳаяжон билан кутадилар. Айни шу кун улар жонажон мактаби, меҳрибон устозлари билан хайрлашиб, катта ҳаёт йўлига кузатиладилар.

Туманимиздаги 50 та умумтаълим мактабларида битирувчиларни мустақил ҳаётга кузатиш тадбирлари 48-мактабдагидек (суратда) тантанали ва унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Бу йил туманимиз мактабларининг 11-синфларини 2022 ўқувчи битирмоқда. Табиийки, улар-

нинг аксарияти, яъни салкам 90 фоизи олий ўқув даргоҳларига кириб ўқиш иштиёқидадирлар. 141 битирувчи техникумларга ҳужжат топшироқчи. 48 нафар йигит мустақил ҳаётининг дастлабки йилини ҳарбий хизмат билан боғлашни, 46 нафари эса тадбиркорлик ҳаракатига қўшилиш мақсадини билдирган.

Орзуга айб йўқ, дейдилар. Тест синовларидан ўтолмаган йигит-қизлар ўз хоҳишларига кўра, қурувчи-таъмирловчилик, дурадгор-

чилик, тикувчилик, асаларичилик, боғдорчилик, сартарошлик сингари 20 дан ортиқ касб-хунар бўйича тегишли кўникмалар олдилар. Хуллас, битирувчилар мактабдан кейин ишсиз қолишларига йўл қўймаслик чоралари кўриляпти.

Ёшларга қўлларига етуклик шаҳодатномаларини олганларидан сўнг мақсад сари дадил қадам ташлашларига тилақдошмиз.

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ  
олган сурат.

Биринчи июн—Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни: публицистик ўйлар

## ЮРТИМ БАҒРИДАГИ НИҲОЛИМ БОЛАМ

Болажоним, англаётгандирсан, бизда тонглар Сенинг камолнинг орзумандалигида отади. Кунлар иқболнинг йўлини гуллатмоқ илинжида ҳаммаша жонсарақ одимлайди. Тунлар, юлдузлар, ойлар оромингни кўзлаб айтилаётган аллаларга гувоҳ. Олам ичра энг табарруқ, буюк зотлар униб-ўсган, ҳоки-пойи бўлган, Аллоҳ назар қилган Ватан фарзанди эканлигиндан ҳар қанча фахрлансанг, арзийди. Ахир бошингда овоз ва обод Ватан—Отанг соябон, фидойи, болажон халқ—Онанинг парвона. Сенинг соғлигинг, билим олишинг, бор иқтидорингни намоеън этишинг, умуман, комил инсон бўлиб улғайишинг йўлида нимаики зарур бўлса, барча-барчаси муҳайё этилаётир.

Бугун Ўзбекистон болаларига бутун дунёнинг ҳаваси келяпти. Давлатимиз раҳбарининг яқиндагина жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган Фармони лойиҳаси учинчи уйғониш сари ташланаётган қадамлар мазмун-моҳиятини акс эттириб, илм-маърифат ва Сенинг эртанга дахлдорман, деган замондошларимиздан таклифлар, мулоҳазалар сўралапти. Сенинг ақлий, жисмоний ва маънавий чиниқилишига хизмат қилиши



йўлида бунёд этилаётган илм-фан муассасалари, маънавий-маърифий марказлар, спорт иншоотлари, янада янги-янги олижаноб мақсадлар она юрт кафтидаги Сендек ниҳолни асраб-авайлаб улғайтиришга, қалбинг тубида яшириниб ётган иқтидорингни кашф этишга, ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсиб, учинчи уйғонишга йўл очишини сезиб тургандирсан, болажон! Ҳатто ота-она меҳридан мосуво, имконияти чекланган дўсту ўртоқларинг ҳам болажон халқимизнинг ҳифзу ҳимоясида. Улар орасида ҳам қанча иқтидорлилар борлигига шубҳа йўқ.

(Давоми 3-бетда).

УШБУ

2

\* Яқдиллик ва ҳамжиҳатлик  
\* Интенсив бoғ: oммалаштиришга арзирли тажриба

СОНДА:

3

\* Юртим бағридаги ниҳолим болам  
\* "Оналарга эҳтиром" фестивалига старт берилди  
\* Жиноятга жазо муқаррар

4

Сабоқ бекати

\* Аҳли дониш дейдиларки...  
\* Ақл-ақлдан қувват олар  
\* Булоқ кўз очди

## МАКТАБЛАРНИ БИТИРУВЧИ ЎГИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА

(Давоми. Боши 1-бетда).  
Азиз фарзандларим!

Кейинги пайтда халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган сиз каби ёшларимиз учун Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатига айланган бормоқда. Республикада фаолият кўрсатётган 162 та олий ўқув юрти, кўплаб касб-хўнара мактаблари, коллеж ва техникумлар келгусида сизларнинг ўзингиз танлаган соҳалар бўйича етук кадр ва малакали мутахассис бўлишингиз учун хизмат қилади.

Шунингдек, 78 та олий таълим муассасасида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, олий маълумот олиш ҳамда масофавий таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилдаги 9 фоиздан бу йил 38 фоизга етказилди.

Юртимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчилар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, ногирон болалар учун профессионал таълим тизимида алоҳида имкониятлар яратилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, 2020-2021 ўқув йилида коллеж ва техникумларга тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган 1157 нафар, 2021-2022 ўқув йилида эса 1433 нафар ўқувчи қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Аминман, сизлар ана шундай имкониятлар асосида етук мутахассислар бўлиб, келгу-

сида юртимиздаги замонавий кластерлар, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари, катта-катта қурилишлар, фирма ва компаниялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, маданий ва ижодий жамоаларда иш бошлайсиз ва Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишга албатта муносиб ҳисса қўшасиз.

Мухтасар айтганда, мактабни битириб чиқаётган йигит-қизларимизнинг ҳар бири эл-юртимизнинг меҳри ва эътиборида бўлади. Бу борада жойларда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, сектор раҳбарлари, маҳалла жамоатчилиги ота-оналар ва устозларингиз билан биргаликда сизларга яқин кўмакчи ва маслаҳатчи бўлади.

Мана шундай шуқуҳли онларда сиз, азиз фарзандларимни мактаб таълимини муваффақиятли тамомлаб, ҳаётигизда дастлабки муҳим довондан ошганингиз билан яна бир бор табриклайман.

Ҳеч қачон унутманг, келажакда сизни янада улкан ва масъулиятли марралар кутмоқда. Олдингизга аниқ мақсад қўйиб, бор куч-ғайратингиз, билим ва салоҳиятигиз билан ҳаракат қилсангиз, кўзлаган чўққиларга албатта эришасиз.

Барчангизга ишда ва ўқишда, шахсий ҳаётда катта ютуқ ва омадлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг!  
Интилиб, изланиб яшашдан асло тўхтаманг!

Бахт ва омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин, азиз ўғил-қизларим!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## Фуқаролар йиғини раиси сайловида

Фуқаролар йиғини раиси сайлови яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши аниқ муддао бўлди-да. Қонун асосида ҳоким билан келишилган ҳолда сайловчилар вакиллари ҳукмига ҳавола этилган номзодларнинг ҳаммалари ҳам мардлар майдонида ўз

розилиги билан чиққан муносиб инсонлар. Аммо уларнинг босиб ўтган ҳаёт ва фаолият йўллари, сайланиб қолгудай бўлса, ҳудудда амалга ошириши мумкин бўлган дастурлари ҳақидаги чиқишлари сайловчиларга танлаш имконини беради.

## ЯҚДИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

“ЯнгиДўкон” маҳалла фуқаролар йиғини раисининг 15-мактаб спорт залида уюштирилган сайлов йиғилиши қонун талабларига тўла риоя этилган, ҳудуд манфаатларини кўзлаган ҳолда вакилларнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамфикрлигида ўтди. Бунда етарли тажрибага эга бўлган Ўсмонжон Камолов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳининг сайловни амалдаги қонун ва низом асосида ташкил этиш учун астойдил ҳаракат қилгани сезилиб турди. Ахир куйидан то юқоригача бўлган барча тоифадаги раҳбарларнинг ма-

ҳаллабай ишлаши талаб қилинаётган, тизим раҳбарияти кучли кадрлар билан мустаҳкамланган бир пайтда энг муносиб сардорни сайлаб олиш ҳудуднинг бундан буёнги ривожини нўфузини белгилайди-да.

Шундай қилиб, барча жараёнлар низом талаблари асосида ниҳоясига етган, санок комиссияси раиси Муҳаммадҷон Акбаровнинг берган маълумотида кўра, маҳалла фуқароси, шу пайтгача “Агробанк” Марғилон филиали бош мутахассиси лавозимида фаолият кўрсатётган Шавкатжон Тожи-матов йиғилишда иштирок



этган 143 сайловчининг 123 овозини олиб, йиғин раислигига сайланди.

—Зиммамга юқланган масъулият ҳозирги шароитда осон эмаслигини ҳис қилиб турибман,—дейди янги раис.—Бутун фаолиятимда бир ой ичида янгидан шакллантириладиган кенгаш, маслаҳатчилар, йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича сайланадиган комиссиялар, маҳалла фаолларига таяниб иш юритишга, маҳалладошларим ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Умида  
ХУДОЙБЕРГАНОВА



## Журналист ва блогерлар учун пресстур ва матбуот анжумани

# ИНТЕНСИВ БОҒ: ОММАЛАШТИРИШГА АРЗИРЛИ ТАЖРИБА

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати томонидан уюштирилган навбатдаги пресс-тур иштирокчилари бўлган журналист ва блогерлар туманимизда ташкил этилган замонавий интенсив боғ фаолияти билан танишдилар. 2020 йилнинг феврал ойида “Grapes and Gardens investment” акциядорлик жамияти ташкил қилиниб, унга замонавий интенсив боғ яратиш мақсадида 160.2 гектар ер майдонлари ажратиб берилганди. Шу муносабат билан бу ерда 60 дан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, ҳудуддаги ишсиз аҳоли бандлиги таъминланди.

Айни кунда интенсив боғда “колорадо”, “мамбо”, “цунами”, “луна”, “рубиста” навли ўриклар ҳамда “sweet ariana”, “sweet lorenс” каби гилос навлари парваришланмоқда. Чет элдан келтириб экилган ушбу нав кўчатлари иқлим шароитимизга тез мослашди. Ўрик кўчатлари эса қисқа муддатда ҳосил беришни бошлади.

Кўчатлар томчилатиб суғорилаётгани учун бир гектарга сарфланадиган сув миқдори 4-5 баробар, ўсимликни ривожлантириш мақсадида бериладиган маҳаллий ва минерал ўғитлар 2-3 баробар тежалмоқда. Дарахтлар зарур озуқа қўшиб озиклантириладигани туфайли меҳнат сарфи ҳам илгаригига қараганда анча камайган. Бу эса ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, мўл ҳосил етиштириш имконини

беради.

Тадбир иштирокчилари замонавий интенсив боғ ҳолати билан яқиндан танишдилар ва мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Пресс-турдан сўнг журналист ва блогерлар учун туман ҳокимлигида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар мавзусида матбуот анжумани ҳам ташкил



этилди. Анжуман иштирокчилари туман ҳокими Илёсбек Новиков билан юзма-юз мулоқотда мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоблар олишди.

Ҳоким иштирокидаги брифингда И. Новиков туманда Ўзбекистон

Республикаси Президентининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида деҳқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берди.

Президентимизнинг мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида

майдонлари маҳаллаларда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олинганлар, шунингдек, ишсизлар ва чет давлатларда мигрант сифатида ишлаб келган фуқаролар, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами бандлигини таъминлаш мақсадида “E-AUKSION” очик электрон танлов орқали деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилди. Шу орқали 3435 нафардан зиёд ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланди.

Деҳқон хўжаликларида ажратиб берилган ер майдонларидан бугунги кунда аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда 205 гектар қисмига картошка, 24,7 гектарига сабзавот, 67,2 гектарига полиз маҳсулотлари, 22,3 гектарига дуккаклилар, 16,3 гектарига мойли ва 10 гектардан ортиқ майдонларга бошқа турдаги озиқ-овқат экинлари экилиб, парвариш қилиб келинмоқда.

Бундан ташқари “Бир контур—бир маҳсулот” шиори остида ажратиб берилган ер майдонларида айни кунларда олиб борилаётган ишлар ва агротехник тадбирлар, шунингдек, туманда ташкил этилган 4 та мева-сабзавотчилик кластерлари фаолияти ҳамда олдинда турган долзарб вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Тадбирлардан иштирокчилар омма-лаштиришга арзирли тажрибаларга гувоҳ бўлиб қайтдилар.

Туман ҳокимлиги ахборот  
хизмати

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Иймоним комилки, болажон, уй-ғониш даври Сенинг шашту шижо-атингдан, салоҳиятингдан бошланади! Зеро, Ўзбекистонимизнинг эртаси Сенсан, унинг ҳозиргидан да гуллатувчи, жаҳонаро донгини таратувчи, таянчи, суянчи, ишончи, албатта Ўзинг! Фақат Сендан бир ўтинчим бор: яратиб берилаётган имкониятлардан тўлатўкис фойдаланиб қолишга интил. Керак бўлса, яхши ва аъло ўқишинг,

ўртоғи билан ерларга думалагудай мушглашиб, йиғлаб кетаётган экан. Оиласи, онаси шаънини ҳимоя қилмоқчи бўлган болагинанинг кўнглидан нималар кечаётганини ҳис қилиш ҳам қийин. Унинг айтишича, отаси оиласини ташлаб уйланиб олган, орадан икки йилча ўтиб, катталар онасини тўрт яшар қизчаси билан узатиб юборишиб, бола бува ва бувиси тарбиясида қолган экан...

Шундай кезде бисотингиздаги

гўдаккинага ачиниб.—Боласидан ҳам пул афзал эканми?

—Нимасини айтасиз, топгани йўл-кирага кетяпти. Бир марта келиб-кетди, шунга тўрт миллион сўм сарфлабдимиз. Яна "келгин" дегани ҳайронман...

Учинчи бир ҳолат: онаси бозорда сабзавот сотаётган болани ичкиликка ружу қўйган отаси мактабга юбормай, бозорда пул топишга чиқариб юборганига нима дейсиз?! Истаймизми-истамаймизми,

бошқа оила курса, бошқаси пул топиш илинжида юртма-юрт кезиб, ҳали тили чиқмаган гўдагини ўз тафти ва меҳридан бенасиб этиб, соғинч гирдобига отса, вояга етиб улгурмаган ўғлига ароқхўр ота рўзгор "юки"ни ортса! Бу нонкўрлик жазосиз қолмас ахир. Ушқонинг уволи бор-у, фарзанддек раҳмату неъматнинг уволи бўлмасми?!  
Бундай дардларнинг маънавий-моддий малҳами болапарвар Ўз-

**Биринчи июн—Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни: публицистик ўйлар**


**ЮРТИМ БАҒРИДАГИ НИҲОЛИМ БОЛАМ**

спорт билан шуғулланишинг, иқтидорингни чархлашинг, комилликка интилишинг йўлида имкон яратиб беришлари учун ота-онангни тинчитма, болажон! Ана шундагина Сендан Отанг—Давлатинг, Онанг—Халқинг рози бўлади.

Аммо... Қалбимнинг туб-тубида бир армон борки, уни ичга ютсам дард бўлади. Бу, жамиятимиздаги энг оғриқли ижтимоий муаммо билан боғлиқ нарса: буни Сен балки тушунарсан, балки йўқ, у ҳам бўлса... айримларинг отанг, баъзан онанг ҳаёт бўла туриб, улар меҳрига ташналигинг, кўнгли ўксиклигингдир. Тунов кунни уст-боши тупроқ, сумкасини елкасига осиб олиб йиғлаб бораётган болажонга дуч келдим.

—Полвон, нима бўлди, уст-бошларингизни қаранг, аянғиз буни сизга ювиб-тараб кийдириб жўнатганлар,—дейман бошини силаб.—Бола ҳамон ўқиниб-ўқиниб йиғлар, чанг юзларини кўз ёшлари юварди.

—Аямни яқинда эрга бервориди, устларимни бувим ювадилар,—дейди лабини чўчайтириб аранг.—Болажоннинг синиқ руҳияти кўзларида шундоққина акс этиб турарди. Кўзларимга ёш қалқди. Болани алдаб-сулдаб мактабнинг шундоққина биқинидаги ҳовлимизга етакладим. Юз-кўзларини ювдириб, уст-бошларини тозаладик. Маълум бўлишича, синфдош кўшнисини жанжаллашиб "аянғ сени ташлаб, эрга тегиб кетди-ку" дегани учун бола



бор қайноқ гапларни айтсангиз ҳам болагинанинг музлаган кўнглини илтиб бўлмайди, фақат унга бироз таскин беролдим холос. Қани эди шу тоғда унинг дарз кетган кўнглини бутун қила олсайдим...

Яна бир ҳолат: шифохонада ёши каттароқ аёл икки яшар чамасидаги қизчани кўтариб навбатда турибди. Бемор бола ҳарорати баландами, тинмай безовталанарди. "Болани онаси олиб келмабди-да" деб кимдир луқма ташлади.

—Менга ҳам ҳавасмиди, қизим,—дейди ҳалиги бола кўтарган аёл ҳуноби ошиб.—Олти ой бўлди, неварамнинг ота-онаси Россияда. Шундан бери боласи ичкикиб, касалдан чиқмаяпти, ўзим ҳам кўзига қарайвериб, қийналиб кетдим.

—Онасини чақиринг, ахир ичкикиш ҳам ёмон-да,—дейди яна биров

бундай ҳолатларга дуч келиб турилади. Ҳар уччала ҳолатда ҳам одабийлик унутилиб, бола манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат қонунлари қўпол равишда бузилаётгани кўриниб турибди. Давлатимиз, Юртбошимиз, онажон халқимиз Сенинг бекам яшашинг учун ҳеч нарсени аямаётган бир пайтда оила аталмиш кўрғоннинг эгаси бўлмиш айрим ота-онанинг бола ва жамият олдидаги масъулиятни ҳис қилмаслиги, маънавийтсизлиги ортидан бола руҳининг шу таҳлид синишига йўл қўйиш инсонийликнинг қайси қолиғига сиғади?! Бу, Аллоҳ ато этган улғу инъом—фарзандга нисбатан қурфрона неъмат эмасми?!

Бир, икки, ҳатто уч фарзандини ташлаб бири ноқонуний хотин олса, онадек зот эрга ўчакишиб,

бекистонимизда топилади. Аммо ота-она меҳри, муҳаббати ўрнини ҳеч қандай бойлик тўлдира олмаслигини бундай гумроҳлар тушуниб етармиканлар? Бундай вазиятларда маҳалла мутасаддилари, хотин-қизлар давлат қўмитаси, жамоатчилик кенгашлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари энди ям ўз сўзларини айтмасалар бўлмас. Ахир уларнинг ваколатлари а.а.а. анча кенгайтириб қўйилди-ку! Айтмоқчиманки, маҳалламизда бундай кўнгли ярим болалар юздан бир бўлганда ҳам кўп. Аллоҳ берган раҳмату неъматни юқоридагидек ўксиклик гирдобидан халос этишга оздир-кўпдир ҳисса қўшиш виждони уйғоқ ҳар бир ИНСОНнинг бурчидир...

...Англаётгандирсан, болажон, Ўзбекистонда тонглар Сенинг камолинг орзумандалигида отяпти. Учинчи ренессанс—Юртбошимиз, давлатимиз, халқимиз, орзулари рўёби эса Сенинг жажжи юрагинг ҳайратига, ўқиш, интилишлар йўлидаги ғайратингга, комиллик сари дадил, ортага қайтмас шижоатингга, орият-у диёнатингга боғлиқ. Шунинг унутмагин, болажон, Сен юртим қафтидаги Умид, Ишонч ниҳолсан. Униб-ўсгин, бўй-бастингга асло кўзлар тегмасин!

**Хадичахон КАРИМОВА**

**Диққат! "ОНАЛАРГА ЭХТИРОМ" ФЕСТИВАЛИГА СТАРТ БЕРИЛДИ**

Ҳаётимиз давомийлигининг кафолати, хонадонларимиз чароғбони бўлган оналар ҳар лаҳза, ҳар он эҳтиром-у эъзозга лойиқдирлар. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ташаббуси билан ўтган йилдан бошлаб вилоятимизда ташкил этилаётган "Оналарга эҳтиром" фестивали анъанавий тус олиши учун уни ҳар йили барча хонадон, маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳарда, яқиний босқичи эса вилоятда ўзига хос такрорланмас ғоялар асосида ташкил этиш учун старт берилди.

Сиз уни қай йўсин ва шаклда ўтказмоқчисиз? Оналаримиз умрига-умр кўшадиган, кўнгилларини кўтарадиган, иззат-икромларини жойига қўядиган сермазмун, таъсирчан тадбирлар, йўқловлар ҳақидаги мақолалар, фотосуратларни кутамиз.

**МУҲАРРИРИЯТ**

Ярим аср тарих олдида арзимас муддат бўлиши мумкин, бироқ инсон умрига қиёслаганда жуда салмоқли давр. Эллик йилда инсон жамиятда ўз ўрни, юрт ривожига ҳаминқадар ҳиссаси билан аллақачон шахс сифатида шаклланиб, ўздан бирон-бир из қолдиришга улгуради. Бугун туман суд залида жиний қилмиши кўриб чиқилаётган эркак ўзига берилган тириклик неъматининг ушбу даврини деярли яшаб ўтган, аммо...

Судланувчи Ҳ. Абдурахмонов оилали, икки нафар фарзанднинг отаси. Шу ёшида боши ҳам бўлиб туришига сабаб гиёҳвандлик моддаларга мубталолигидир. Ўзининг иқдор бўлишича, бу иллатни одат қилганига ўн йиллардан ошган. Ҳеч қаерда ишламайди, ҳаётдаги бор мақсади шу захри қотилга боғланган. Шундан, ўзи истиқомат қиладиган Лангар маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги дала майдони четиде ўсган ёввойи нашаларни териб олган ва уйига келтириб яшириб қўйган. Лекин бу "топилма" нашавандга

камлик қиларди. У ўзининг яшаш хонадони томорқасида униб чиққан наша ўсимлиги бошоқларини ҳам йиғиб олиб сақлаб қўяди. Судда "дорилик учун сақладим", деб ёзгирганидан ҳам маълумки, у ушбу моддани мунтазам истеъмол қилиб кела-

даги моддалар сақлаб келаётганлиги аниқланди ва ашъвий далил тариқасида олинди.

Суд кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра, мазкур моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда—тетрагидроканнабинол мавжуд

**Жиноятга жазо муқаррар НАШАВАНДНИНГ ОЗОДЛИГИ ЧЕКЛАНДИ**

ди. Ўтган йилнинг 23 ноябрида қинғир ишнинг қийиғи чиқди: туман ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир давомида Ҳ. Абдурахмоновнинг яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилиб, меҳмонхонадан икки дона икки литрли сиғимдаги шиша идишларда жами 220 грамм кўкнори ўсимлиги бошоқлари ҳамда хонадон ҳаммомидан олтига уч литрли ва иккита бир литрли сиғимдаги шиша идишларда жами 1.760 грамм бўлган ўткир ҳидли, яшил рангли наша ўсимлигига ўхшаш қуруқ хол-

бўлиб, бу "марихуана" деб аталувчи гиёҳвандлик моддаси ва унинг соф оғирлиги 1.465 грамм эканлиги аниқланди. Шунингдек, "кўкнор сомони" деб аталувчи гиёҳвандлик моддаси аниқланиб, унинг соф оғирлиги 186 грамм эканлиги қайд этилди.

Судланувчи айбига тўлиқ иқдор бўлиб, гиёҳвандлик моддаларини сотиш орқали моддий манфаатдорлик кўриш мақсади бўлмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбига тўлиқ иқдорлигини айтиб, оилавий шароитини инобатга олиб енгиллик беришни сўради.

Ҳ.Абдурахмоновнинг жино-

ий ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама қилган суд жазо тайинлашда унинг енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатларни кўриб чиқди. Содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлигини эътиборга олди ва унга нисбатан яшаш жойидан у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 22:00 дан 06:00 га қадар чиқшини тақиқлашдан иборат уч йил озодликни чеклаш жазоси тайинлади. Қўшимча тақиқлар сифатида ИИБнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик, вилоят ҳудудидан чиқмаслик, кўнгилочар, дам олиш (ресторан, бар, кафе) ва спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи жойларга бормаслик мажбурияти юклатилди.

Ушбу ҳукми газета саҳифасида ёритилган мақсад шуки, ёшларимиз қора курсида надомат чекиб ўтирган кимсанинг қисматидан ибрат олсинлар. Умр—бебаҳо неъмат, уни зое қилиш эса охиروқибат заволга элтади.

**Авазбек ЭРГАШЕВ,**  
**жиноят ишлари бўйича**  
**туман судининг раиси.**

## Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Аллоҳга ижобат қилишига ишонган ҳолда дуо қилинлар. Билинги, Аллоҳ таоло қалби ғофил, эътиборсиз кишилар дуосини қабул этмайди.

Абу Хурайра  
(розияллоҳу анҳу)дан.  
Термизий ривояти.

Бирор иш қилишни хоҳласанг, оқибатини ўйла. Агар яхши бўлса, уни бажар, ёмон бўлса, ундан тўхта.

Ибн Муборак ривояти.

Бирор иш қилишни хоҳласанг, босиқликни ўзинга лозим тут. Шунда Аллоҳ сенга чиқар йўлни кўрсатади.

Бухорий ривояти.

Агар Аллоҳ сени яхши кўришини хоҳласанг, дунёга ғазаб қил, яъни уни севма. Одамлар сени яхши кўришларини хоҳласанг, ўзингдан ортиқча нарсаларни уларга тортиқ эт.

Рибъий ибн Хирош  
(розияллоҳу анҳу)дан.  
Хатиб мурсал ҳолатда қилган ривоят.

“2002 ҳадис”дан.  
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).  
“Мунир” нашриёти.

# Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб  
доно бўлур,  
Қатра-қатра йиғилиб  
дарё бўлур.  
Алишер НАВОЙИ.

Аҳли дониш дейдиларки...

## ҲАЛОЛЛИК ҲАР ҚАНДАЙ МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ

Нафси тийиқ ҳалол одам олғир-учарларнинг бутун найранглари кўпинча яққол кўриб туради.

И. ГЁТЕ.

\*\*\*

Виждонли одамлар учун ҳалоллик саводли одамлар учун илм қанчалик зарур бўлганидан ҳам кўра қимматлироқдир.

Ж. Ж. РУССО.

\*\*\*

Ҳалоллик энг яхши ва айни пайтда энг тўғри фаолият тарзидир.

Ж. ЛЕББОК.

\*\*\*

Ҳақиқий мурувватдан кўра ортиқроқ ҳалоллик бўлмаса керак.

Б. ФРАНКЛИН.

\*\*\*

Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

Ф. ШИЛЛЕР.

\*\*\*

Дунёда ҳалол одамдан ҳам буюкроқ зот йўқ.

Р. РОЛЛАН.

\*\*\*

Ҳамма одамлар аслида бир хил, дунёга келишлари ҳам бир хил, фақат табиатан ҳалол одамнинггина номи юксак.

СЕНЕКА.

\*\*\*

Ҳалоллик буюклик сари таш-

ланган дастлабки қадамгина бўлиб қолмай, буюкликнинг айни ўзи ҳамдир.

К. БОУВИ.

\*\*\*

Узоқ шармандали умрдан кўра, қисқа ҳалол умрни ҳаммиша афзал кўр.

ЭПИКТЕТ.

\*\*\*

Виждонли ва виждонсиз одамни нима қилгани билан эмас, нимани исташи билан ҳам билса бўлади.

ДЕМОКРИТ.

\*\*\*

Буюкликка энг яқини ҳалолликдир.

В. ГЮГО.

\*\*\*

Бир умр бахтли бўлишни истасанг—ҳалол одам бўл.

Т. ФУЛЛЕР.

\*\*\*

Ўз-ўзидан чиндан ҳам ҳалолманми, дея сўрайдиган одамгина чинакам ҳалолдир.

ПЛАВТ.

\*\*\*

Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди.

Ф. ВОЛЬТЕР.

“Тафаккур гулшани”дан.

Ғафур Ғулом номидаги

Адабиёт ва санъат нашриёти.

Тошкент—1989 йил.

Ватан манзиллари



Ақл-ақлдан қувват олар

## ЎЗИ БЕМАЛОЛНИНГ СЎЗИ БЕМАЛОЛ

Бу билан: “Бировнинг хизматини ўзига малол олмай, бажонидил, холисона бажарадиган, бировнинг сўзини ерда қолдирмайдиган одам бировга бирор хизмат буюрса, бирор нарсани илтимос қилса, унинг ҳам сўзи унга малол келмайди. Яхшилик қилган одам яхшилик ҳам кўради”, демоқчи бўладилар. “Ўзинг ётиқ бўлсанг, ичганинг қатиқ бўлар”, “Ўзи саховатли бўлган одам ўзганинг ҳам саховатини қозона олади”, деган мақолларни ҳам шунга ўхшаш маънода айтадилар.

“Ҳикматнома”дан.  
Тошкент—1990 йил.


Булоқ кўз очди

## SHE'RLARIDA NAMOYON SHUKUR, SHUKRONA!

«Vatan» mahalla fuqarolar yig'inida “Mustaqil oilam—kelajagim poydevori” oilaviy bolalar uyida besh nafar bolalar—Safiya, Omadbek, Ruslan, Behruzбек, Oybeklar Sanobarxon va El-yorjon Zokirovlar oilasida eminerkin yashamoqdalar.

Xonadonda bolalar uchun barcha sharoitlar yaratilgan. Ular 6-umumiy o'rta ta'lim maktabida tahsil olmoqdalar. Oila a'zosi Safiya 8-sinfda a'lo baholarga o'qish bilan birga ijod bilan shug'ullanib, she'r yozishni mashq qiladi. Uning she'rlarida Vatanga, ota-ona, ustozlar, tengdosh do'stlariga mehr-muhabbati samimiyat bilan ifodalangan.

Aziz muxlis, Safiyaning, gar-



chi kamchiliklardan holi bo'lmasada, o'ziga xos sodda, ta'sirli mashqlaridan e'tiboringizga havola e'tmoqdamiz.

Tohirjon O'RINOV,  
«Истикбол йўли» газетаси  
қошидаги “G'uncha” adabiy  
to'garagi rahbari.

Gulchehra ERGASHEVA,  
6-umumiy o'rta ta'lim  
maktabining ijodiy-  
madaniy masalalar bo'yicha  
targ'ibotchisi.

## ONANI ASRAYLIK

Onani asrang, do'stlar  
Kimdir bola uchun zor,  
Kimdir ona uchun zor.  
Bu asli haqiqatdir,  
Ammo, achchiq qismatdir.

Bolaga ona zarur,  
Onaga bola zarur.  
Bu yo'lda xato qilmang,  
Mehrga gado bo'lmang.

Onani asrang, do'stlar.  
Bolani asrang, do'stlar.

## USTOZGA

Tinim bilmas, mehnatkash, halol,  
Bolajonlar mehribonisiz.  
Tilingizdan tomib turar bol,  
Yosh avlodning jonajonisiz.

Yaxshilardan yaxshisiz, ustoz,  
Insoniylik naqshisiz, ustoz!

O'qib, yozib, savodxon bo'ldik,  
Mehr berib, ilmga, fanga.  
Maqsadimiz sodiq bo'lmoqlik,  
Xalqimizga, aziz Vatanga.

Yaxshilardan yaxshisiz, ustoz,  
Insoniylik naqshisiz, ustoz!

Safiya TUSHINA,  
6-umumiy o'rta ta'lim  
maktabi o'quvchisi.

Билиб қўйган маъқул

## ЧАРЧОҚНИ ЕНГИШ МУМКИН

Турли дармонбахш гиёҳларни чой ўрнида дамлаб ёки улардан қайнатма тайёрлаб ичиш кўкламги силла қуришда, доимо соғомон юришда фойда беради.

Бир ош қошиқ қуришиб майдаланган далачай (зверобой)ни 1 стакан қайноқ сувга солиб усти ўраб қўйилади ва 30 дақиқа тиндирилади. Кунига 3 марта чорак стакандан 2-3 ҳафта ичилади.

Бир дона лимонни сиқиб шарбатини озроқ сувга аралаштириб, шунга пайпоқни хўллаб, сиқиб, оёққа кийиш ва устидан қуруқ пайпоқ кийиш керак. Бу ишни ҳар куни ётишдан олдин бажарган яхши. Уйғонгандан кейин пайпоқни ечиш керак. Бу муолажа эртадан кечгача тик оёқда ишлайдиган кишиларга жуда яхши ёрдам беради.

Қуришиб майдаланган 10 гр. баргизуб (подорожник) баргини 1 стакан қайноқ сувга солиб, устини яхшилаб ўраб, 30 дақиқа тиндириш керак. Кейин сузиб олиб, кунига 3 марта 2 ош қошиқдан овқатдан 20 дақиқа олдин 2-3 ҳафта ичиб турилса, овқат ҳазмини яхшилайди.

“Сихат-саломатлик” журналидан.  
(Давоми бор).

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YO'LI

МУАССИС:  
Қўштепа тумани  
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАХРИРИЯТ  
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:  
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
Фаргона вилояти бошқармаси тамонидан  
2007 йил 9 январда 12-012 рақами  
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:  
151111,  
Марғилон шаҳар,  
Бобур номи маҳалла,  
Соҳибкор кўчаси, 4-уй.  
Телефон ва факс:  
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТИНИНГ  
Pentium - IV  
КОМПЮТЕРИДА  
ТЕРИЛДИ ВА  
САҲИФАЛАНДИ.  
Дизайнер:  
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ  
босмаҳонасида 3100  
нускада чоп этилди.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Манзил: Марғилон шаҳар,  
Туркистон кўчаси,  
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:  
64875

Буюртма № 367

Топшириш вақти 18.00  
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:  
Ҳадичаҳон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253  
9 177 2010 9253 07